

Динимизга, азалий урф-одатларимизга, маънавият ва анъаналаримизга зид бўлган майхўрикнинг Мовароуннахр заминига кириб, авж олишидан хукмдорлару миллатнинг кўзи очик зиёлилари ва маърифатпарварлари каттиқ изтиробга тушишган, бу иллатни кескин коралашган.

Атокли ўзбек давлат арбоби ва шоири Захириддин Мухаммад Бобурнинг 1525 йили имзолаган фармонидан:

«Башар нафси ёмонликка мойил этишдан узок эмас. Куръонда дейилган: «Мен нафсимни окламайман. Чунки нафс, агар Парвардигорнинг Ўзи раҳм килмаса, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир». «Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуг фазлу марҳамат соҳибидир». Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён килишдан гараз шуки, инсонлик такозоси, подшохлар расм-русми, подшохлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб сипохийгача гўзал ёшлиқ кунларида шариат ман килган баъзи нарсаларга ва айrim ўйин-кулгуларга ружу килинарди. Бир канча вактдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, улар битта-битта тарқ килинар ва чин тавба билан уларга кайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо максад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкиликтан кайтиш тавбаси «хар иш ўз вактига bogлиq» пардаси остида беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр гайрат билан уруш эҳромини boglab, шавкатли Ислом аскарлари ёрдамида кофириларга карши жангга киришганимизда гайб Илҳомчиси ва хакикат Жарчисидан «Иймон келтирганларга вакт келмадимики, калбларини Аллоҳнинг зикри или юмшатсалар» мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан кокдик. Тавфик йўлловчиси «Кимки астойдил эшик кокса, киради», мазмунига мувоғик икбол эшигини очди ва бу урушни нафсга каршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлишни буюрди. Алкисса, «Эй Роббим, нафсларимизга зулм килдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба килдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавхига накш килдик. Кўнгил хазинасида маҳфий колган ичкиликтан кайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик...». (тариҳдан маълумки, Бобур Мирзо хазратларининг асосий галабалари айни шу майни катагон килган фармондан сўнг кўлга киритилган. Яна тариҳдан маълумки, темурий подшохлардан Хусайн Бойкаро бошкарган мамлакатни айни шу ичкилиқ барбод килган, унинг ўзи мастлигига суюмли ва умидли набираси Мўмин Мирзо катлига фармон берган).

Хуросон хокони Шоҳруҳ Мирзонинг 1440-1441 йилларда шароб тўкишга отлангани хакида:

«Онҳазрат (яъни Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо) саккиз юзинчи хижрий йили Хуросон мамлакати салтанати таҳтига тайин килинди. Салтанат харакатида бўлган гўдаклик чоғларидан то жаҳон халифалик таҳтига чикиб карор топгани шу замонгача унинг олий истакка интилевчи химматининг кўзда тутган максади хамиша ҳак динни мустахкамлаш, пайгамбарлар саййиди Мухаммад алайхиссалом шариатини кучайтириш бўлиб келди хамда илохий фармонни ижро этишда, айникса ман этилган ва номуносиб

Муаллиф:
26.03.2014 03:44 -

ишларни йўкотиш ва жиловлаб олишда гоятда жидду жаҳд кўрстади.

Шу холда мухтасиблик олий мансабига мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Сайийд Муртазо Саххоф ва воизлар раҳбари мавлоно Абдужалил ал-Коинийлар арзга ётказдилар:

«Онхазратнинг адолати кўмагида бутун мамлакатда мастилик мушкин хатлик охукўз Хитой гўзаллари кўзидан бошка ерда кўриш душвор ва хуморликни ёрнинг шахло кўзидан бошка ерда учратиш мумкин эмас бир пайтда шахзодалар Мирзо Мухаммад Жўкай ва Мирзо Алоуд-Давлаларнинг хумхоналари (шаробга) тўла, уни тўкиб ташлаш ўёқда турсин, у ерга етиб боришнинг ўзи хам бехуда хаёлдан иборат эди. Хазрат Хокони саъид ўз шариф вужуди билан шароб тўкишга отланди, давлат оёгини саодат узангисига кўйиб отга минди ва Дарвозайи Хушдан ташкари чикиб, Сепалак тарафига, хумхоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадахшон лаълию руммоний ёкутнинг рашкини келтирувчи соф шароблар билан тўлатилган хумларни хеч ачинишсиз тупрокка тўқдилар. Шариат юкори кўйилганидан мамлакат янгидан равнак олди ва салтанат бу гамхўрлик шарофати билан ўзга бир тароват топди» (Абдураззок Самаркандининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридан).

Миллатпарвар зиёлилардан Вадуд Махмуднинг (1898-1976) «Туркистон» газетининг 1923 йил 24 декабрдаги «Туркистанда майхўрлик» маколаси:

Бўза, май, умуман кайф берадургон ичкиликларнинг заарли бўлиши тўгрисида сўзлаб ўлтириш ортиқчадир. Унинг кандайин захри беомон экани илман событдир. Якинда бутун Россия олимларининг Москвада бўлуб ўткан курутойи аклсизлик – жинниликтининг ичкиликка жуда якин алокада эканини исбот этди.

Бу нарса Туркистоннинг бутун шахар ва кишлекларига ёйилгон. Хатто баъзи зиёлилар ва хотинларига хуррият тарафдори бўлган кимсалар ўз оиласлари билан хам «расман» ичишмакка бошлагонлар.

Кўп кишилар бунинг кўп ичилишини билимсизликдан, заарини тушунмаганликдан келадир, дейдирлар. Лекин бу тўгри эмас. Дўхтурлар хам тамаки ва «алкагул»нинг заарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдурлар. Бу, тўгриси, тарбиясизликдан келгондир. Бундай кишилар ўзларини идора эта олмайдургон зотлардир. Бунга ўргангандан кейин кутулиш кийин.

«Туркистон» газетининг ўтган сонларидан бирида Туркистон Халк комиссарлар шўросининг кўкнори экишни ман килиб чикаргон карори ёзилди. Биз муни кўриб халкни захарлайдургон моддалардан бирини камайтириш ва битириш йўлига киришилгонини кўруб, жуда севиндик ва олкишладук. Бугун ичкилик тўгрисинда хам ўз товушимизни халкнинг хомийи ва мураббийи бўлгон юкори хукумат доираларига эшиттирмакчимиз. Ичкилик инкилобдан кейин бир неча вактлар ман килингон бўлса хам, «иктисодий сиёсат» билан яна эски холига кайтди. Самогун ва мусаллас пиширгувчилар билан кураш олиб борилгон бўлса хам, ул кўп вакт давом этмади. Шундан кейин яна ривож олиб кетди.

Мана шу курашни тўхтатмаслик керак. Юкори доираларимизнинг, айникса, бўлис ва кишлек ташкилотларининг ва халкимизни маданий хаётга якинлаштирумок дардида бўлгон ишчиларимизнинг шу масалага жиддийрок карамокларини ўтинамиз.

МАЙХҮРЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Ўн тўккизинч асрнинг бошларида Англияда ичкиликка берилган одамни тавба килдириш учун эгнига ифлос кийимлар кийдириб, бўйнига «арокхўр» деб ёзилган ёрлик осиб, энг малол келадиган ишларни килдиришган.

* * *

Йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларида Мексика пойтахти Мехикода кўчада ётган мастни политсия машинасига олиб келиш «маросими»ни кинотасвирчи суратга олган. Агар маст киши биринчи марта кўлга тушган бўлса, фильмни факат унинг ўзига кўрсатишган. Иккинчи марта кўлга тушганида унинг кариндош-уруг, таниш-билишларини тўплаб, уларга кўрсатилган. Агар учинчи марта яна маст холда ушланса, киска бу фильм пойтахт экранларида хаммага намойиш килинган.

* * *

Буюк Карл замонида (742-814) май ичиб биринчи марта кўлга тушган кишини одамлардан холи килиб камаб кўйишган, иккинчи мартасида халк олдида шарманда килиб жазолашган, учинчи марта шу айб билан ушланганлар катл килинган.

* * *

Кадимги юонларнинг кулдорлик давлати Спартада кул килинган асиrlарга май ичириб маст килишар, «бу маstларнинг ахволи ёшларга сабок бўлсин», деган максадда ёшларга намойиш килинар эди.

* * *

Ибратли хужжатлар

Муаллиф:
26.03.2014 03:44 -

Кадимги Хинди斯顿да май ичмаслик хамма табакалар учун мажбурий бўлган. Ичкилик ичгани фош килинган кимсанинг оғзига кумуш, кўргошин ёки мис эритиб куйишар эди.

* * *

Агар хинди斯顿лик брахман (юкори табакадаги аслзода киши) маст бўлиб колса, унга кайнаб турган шароб, кайнок сув ёки сигир сийдигини то маст ўлгунича зўрлаб ичиришган. Брахманинг хотини ичкилик ичидан кўйса, хонадондан хайдаб юборилган, пешонасига шиша шаклидаги тамга босилган.

* * *

Будда (милоддан аввалги 2-аср) ва Конфутсий (милоддан аввалги 5-аср) хам ичкилик ичишни катъий ман этишган. Хитой императори Бу Ванг (милоддан олдинги 1200 йиллар) эса бадмастларни ўлимга хукм килган. Хозирги пайтда Хитойда автомобилни кайф холда бошкарганлар хам ўлим жазосига хукм этилади.

* * *

Рус подшохи Пётр Биринчи ичкилик ичган кишининг бўйнига «ичганлиги учун» деб ўйиб ёзилган оғир чўян «медал»ни осиб кўйишга буюрган.

* * *

1874 йили Америка аёллари ичкиликбозликка ва бунинг ўчоги бўлган ковокхоналарга карши исён кўтаришди. Аёллар ковокхоналарни камалга олиб, у ерга хеч кимни киргизишмади. Бочка-бочка шаробларни аrikка оқизишди. Ковокхона эгаларини калтаклаб, бошка фойдалирок касб килишни тавсия этишди. Минглаб ёш болалар майдонларга йигилиб, ичкиликка норозилик билдиришган. Улар: «Оталар, оналар! Сизлардан ўтиниб сўраймиз: ичкиликка карши астойдил курашинг! Бизни маст оталар,

Ибратли хужжатлар

Муаллиф:

26.03.2014 03:44 -

маст оналар калтаклашяпти», деб ёзилган плакатларни кўтариб олишган эди. Ичкиликка карши аёллар ва болаларнинг норозилик исёни Глексборгадан бошланиб, кейинчалик бутун Америкага таркалган эди.